

# ФАРФОНА ШАҲРИ КЎЧАЛАРИДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ КЎЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳри кўчаларини ободонлаштириш, кўқаламзорлаштириш ва шаҳарнинг архитектуравий қиёфасини яхшилаш борасида берилган топшириқлар ижроси ҳамда амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги бўйича ўрганиш олиб борди.

Бугун Фарғона шаҳри ўзгача қиёфа касб этиб, шаҳар кўчалари бўйлаб ободонлаштириш ва кўқаламзорлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Асосий кўчаларда йўл четларига маҳсус урналар жойлаштирилиб, велосипедлар ҳаракатланиши учун алоҳида йўлаклар ташкил қилинмоқда. Йўлнинг икки томонига турли манзарали дараҳт ва гул кўчатлари экилиб, яшиллик яратилганлиги кўзни қувонтиради.

Лекин шаҳарда ҳали бу каби ишлар ташкил қилинмаган кўчалар ҳам борлигига гувоҳ бўлинди. Шаҳар кўчаларини пиёда юриб ўрганган вилоят ҳокими, баъзи катта ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари биноларининг олд қисми қаровсиз қолиб кетаётганлигига танқидий эътибор қаратди.

Шаҳар кўчаларидаги пиёда йўлакларининг баъзи худудларда таъмирталаблиги, ёнлари қаровсиз, баъзи жойларда чиқиндиilar тўпланиб қолганлиги, бекатларда эса йўловчилар учун шароит яратилмаганига гувоҳ бўлинди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳри кўчаларини бу каби қаровсиз ҳолга келиб қолишига бефарқ бўлган шаҳар ҳокимини ва секторлар раҳбарларини танқид қилди.

Хар бир қарич ердан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидлаган вилоят ҳокими, шаҳар масъуларига кўп қаватли уйлар атрофидаги бўш турган жойларни тартибга келтириш, қаровсиз жойларга, йўл ёқаларига манзарали дараҳtlар ва атиргул кўчатлари ўтқазишни ташкиллаш, йўл чизиқларини чизиш, тадбиркорларнинг ўз биноси олдини обод қилиши, бекатлар олдини тартибга келтириш ва яна қатор ишлар бўйича кўрсатмалар берди.

Фарғона шаҳри кўчалари доим обод бўлиб, намуна бўлиши кераклиги қайд этилди. Аниқланган камчиликларни тез фурсатларда бартараф этилиши бўйича кўрсатма ва топшириқлар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-03-17 16:33:40